

ГЕПАТИТ А КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАХЛИЛИ ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ.

Ф.Ф. Каримжонов

Х.Назирова

Д.Абдувохидова

Мавзунинг долзарблиги. Вирусли гепатит касаликлари ўткир вирусли антропоноз юқумли касаллик бўлиб фекал орал механизм билан тарқалади, бу жараён сув, озиқ овқат ва маиший йўллар билан амалга ошади. Кўп ҳолларда сув йўли асосий юқиш йўли бўлиб ҳисобланади. Сув омили доимий ёки эпизодик тарзда таъсир этиб, ўткир ва сурункали сув эпидемияларига (ёки эпидемик чакнашларга) сабаб бўлади ва касаллик жигарнинг зарарланиши билан кечади. А гепатитга аҳоли мойиллиги умумий. Оғриб ўтганларда пайдо бўлувчи иммунитет умрбод сақланиб қолади. Бу ҳол касаллик эпидемик жараёни кўринишлари ўзига хослигига таъсир этувчи омиллардан биридир. А гепатит барча жойда тарқалган инфекция, лекин унинг тарқалиш даражаси турли ҳудудларда нотекисдир.

Касалликнинг кўп йиллик динамикасига даврийлик характерли. Эпидемик жараён ривожланиши юқори жадалликда кечаётган Ўзбекистон учун кичик даврийлик хос. Бу эпидемиологик қонуният А гепатит вируси интенсив циркуляция қилиб турган шароитда туғилишнинг юқорилиги ва касалликка мойил жамоанинг нисбатан тезкор шаклланиши билан изоҳланади. Касалликнинг йиллик динамикасида яққол кузги қишки мавсумийлик кузатилади. Энг кам касалланиш ёзнинг бошларида қайд этилади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, кишиларнинг касалликни оммавий юқтиришлари айнан ёз мавсумига тўғри келади, яширин давр узоқ давом этиши туфайли 2 ойлардан кейин, яъни кузга келиб А гепатит ўсиши кузатилади. Мавсумийлик табиати юқиш механизми фаоллашувига боғлиқ. Касалликнинг мавсумий ўсиши шаклланишида айниқса, сув омилнинг аҳамияти катта.

Аҳолининг турли ёш гуруҳларида касалланиш тақсимланиши нотекисдир. Эпидемик жараён ривожланиши жадал кечаётган ҳудудларда мактабгача ёшдагилар (ясли ва боғча ёшдагилар) энг кўп касалланишади, ўртача жадалликдаги ҳудудларда ўқувчи ва ўспиринлар паст жадалликдаги ҳудудларда катталарга нисбатан кўпроқ касалланишади. Касалланишлар ёш таркибининг бундай ўзига хослиги, эпидемик жараён жадаллиги турлича бўлган ҳудудларда А гепатит вируси билан болаликда дуч келиш эҳтимоллигининг турлича эканлигини акс эттиради.

Текширувдан мақсад: Гепатит А касаллигини тарқалишида мавсумий ўсишни шаклланишида айниқса, сув омилнинг аҳамиятини ўрганиш ва маиший мулоқотни олдини олиш.

Текшириш усуллари: Фарғона тумани ҳудудида вирусли инфекцияларидан вирусли гепатит А касаллигини 2022-2023 йиллар учун 8 ойлик солиштирма ахбороти. Эпидемиологик, биохимик ва вирусологик усуллар.

2022-2023 йиллар давомида вирусли гепатитлардан гепатит А касалиги жами 2022 йилда абсолют кўрсаткичда 105, интенсив кўрсаткичда 43 %, шундан болалар абсолют кўрсаткичда 104, интенсив кўрсаткичда 43 %, жами 2023 йилда абсолют кўрсаткичда 154, интенсив кўрсаткичда 63,0%, шундан болалар абсолют кўрсаткичда 150, интенсив кўрсаткичда 62,2% ташкил этмоқда.

Хулоса: Вирусли гепатит А касаллигини олдини олишда бу касалликларнинг фекал орал йўл билан юқишини ҳисобга олсак, асосий профилактик чора тадбирлар шу юқиш механизмини бартараф қилишга қаратилган бўлади. Бунинг учун санитария гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлардан фойдаланилади, яъни: аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, хавфсиз озиқ овқат билан таъминлаш, озиқ овқат тайёрлаш, ташиш, сақлаш, ишлов бериш жараёни ва сотишда санитария норма ва қоидаларига риоя этиш, болалар муассасаларида санитар гигиеник қоидаларига риоя қилиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, касаллик тарқалиши учун қулай бўлган катта катта корхона ва озиқ овқат саноатлари ва корхоналари устидан санитария назорати ўрнатилиши, ташқи муҳит объектлари устидан санитария вирусологик усулларни қўллаб лаборатория назоратини кенг қўламда олиб бориш. А гепатитида асосий эпидемияга қарши тадбирлар клиник диагностик, ажратиш, тартиб чеклаш, санитар-гигиеник, дезинфекцион ва дезинсекцион тадбирлар ҳисобланади.